

# **Тазкия дарслари (143-дарс). Ширк ва унинг турлари**



17:00 / 03.07.2021 3925

Ширк Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларда, исмларда, ишларда, ҳукмларда бўлмайди, балки Аллоҳ таолонинг зотида ҳам бўлади.

Ширкнинг шаръий тушунчаси – маҳлуқни Роббил оламинга беш ишдан бирида тенглаштиришdir. Яъни Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор деб эътиқод қилишdir.

Аллоҳ таборака ва таоло Шуаро сурасида мушрикларнинг қиёмат куни қиласидан эътирофлари ҳақида ҳикоя қилиб, шундай дейди:

نَيْبٌ مِّلْأَلَصِيفَلْ آنُك نِإِلَّاتِ  
نَيْمٌ مِّلْأَعْلَبَرَبْ مُكَيِّوْسُنْ دِإِ

**«Аллоҳга қасамки, албатта, биз очиқ-ойдин адашувда эканмиз. Чунки сизларни оламлар Роббига тенглаштирас эдик» (97-98-оятлар).**

Демак, мазкур беш ишдан қай бирида бўлса ҳам, бошқани Роббил оламинга тенглаштириш ширк ҳисобланади. (Муфтий Аъзамнинг «Маорифул Қуръон» китобидан.)

Ибодатда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

**فُجْرَى نَأْكَ نَمَافُ دِحْ أَوْهَلِ إِمْكَهَلِ إِحْوَيْ مُكْلَشَمْ رَشَبْ آنَأْ آمَنَإِلْقَ**  
**آدَحْ أَوْبَرَةَ دَابَعَ بُكْرُشُيْ آلَوْهَلَمَعَ لَمَعَيْلَفَ وَبَرَّهَلَقَ**

**«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин», дейилган (Каҳф сураси, 110-оят).**

Оятнинг далолат қилишича, ширк келтириш барча солиҳ амалларда, жумладан, сажда, тавоғ, назр, рўза, ҳаж, нафақа, садақа каби барча жисмоний, молиявий ва каломий ибодатларда бўлади.

Ибодатда ширк келтиришдан қайтариш жамики анбиёлар даъватининг асоси ва самовий шариатларнинг мағизидир. Ҳар бир набий ва ҳар бир расул ўз қавмига:

**هَلِإِنْمُكَلَّا مَوْقِعَهُ اُدْبَعَهُ اِمْكَهَلِ إِحْوَنَ اَنْلَسْرَأَهَلَّ**  
**مِيَطَعَهُ مُكْلَعَهُ بَادَعَهُ مُكْلَعَهُ فَاهَأَيْنَهُرِيَعَ**

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ», дегандир (Аъроф сураси, 59-оят)

Дуода ширк келтириш.

Қуръони Каримда шундай дейилган:

**آدَحْ أَوْبُكْرُشُأْ آلَوْيَبَرَ قُعْدَأْ آمَنَإِلْقَ**

«Сен: «Албатта, мен фақат ўз Роббимга илтижо қилурман ва Унга ҳеч кимни ширк келтирмасман», деб айт» (Жин сураси, 20-оят).

**آدَحْ أَهَلَّلَعَمَ اُعْدَتَ آلَفَهَلَّلَ دَجَاسَمَلَّانَأَوْ**

«Албатта, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳдан билан бирга ҳеч кимга дуо қилманг» («Жин» сураси, 18-оят).

**نَلْ صُرَأْلَا وَتَأْمَسْلَا بَرْ أَنْبَرْ أُولَاقَفْ أُومَاقْ دِإْ مَوْبُولُقْ دَلْعْ أَنْطَبَرْ وَأَطَاطَشْ دِإْ أَنْلُقْ دَقَلْ أَهَلْ إِونُودْ نَمْ فُغَّدْن**

«Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмасмиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз» (*Кахф сураси, 14-оят*).

**نُوكْرْشُتْ آمَنْ وَسَنَتَ وَءَاشْ نِإِنْوْغَدَتْ آمُ فَشْكَيَفَ نُوغَدَتْ هَأْيَ إِلَبْ**

«Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур» (*Анъом сураси, 41-оят*).

Имом Валиюллоҳ Дехлавий айтади: «Дуодан мурод тафсирчилар айтганларидек, ибодат эмас, балки ёрдам сўрашдир. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримда: «Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур», демоқда. («Ҳужжатуллоҳил Болиға», 1-129).

Банданинг тоқатидан ташқари нарсаларда, оддий сабаблардан устун нарсаларда Аллоҳдан бошқадан нусрат ва ёрдам сўраб дуо қилиши ширк бўлиб, бу иш инсонни тавҳид соҳасидан чиқариб, куфр доирасига киритади.

**«Рұхий тарбия» китоби асосида тайёрланди**